Тинчлик, осуда ҳаёт учун, албатта курашишимиз даркор!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 10-may. Shanba ● 57 (31.804) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

# Тинчлик ва аҳиллик — мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг асосидир

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда***



Инсон хотираси муқаддас, қадр-қиммати азиз ва мўътабардир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай инсонпарвар тамойиллар ўз ифодасини топган.

Бу сана урушларда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қиладиган, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиладиган эзгу маросимдир.

Бундай кунларда бугунги тинч ва осуда ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришилгани хаёлимиздан ўтади. Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини теранроқ англаймиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жанггоҳлардан омон қайтган ота-боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун барча ватандошларимиз, бутун халқимиз Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган улуғ айёмни, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 69 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Шу кунларда барчамиз ўз инсоний бурчимизни адо этиб, бугунги тинч ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимиз учун жанг майдонларида жон бериб урушдан қайтмаганларни эслаймиз, уларнинг арвоҳларини шод этиб, ўчмас хотираси олдида бош эгамиз.

Бугун орамизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган, барчамиз учун азиз ва муҳтарам бўлган нуроний отахон ва онахонларимизга, урушда қатнашган мардларга, шу билан бирга, фронт ортида меҳнат қилиб, ғалаба кунини яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизга чин қалбимдан ҳурматимни билдираман ва уларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан бардамлик, узоқ умр, бахтли ҳаёт тилайман, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаётимизга, хонадонларимизга файз ва барака берадиган фахрийларимизнинг кўнглини кўтариш, уларнинг ҳаётини узайтиришга, умрини мазмунли қилишга қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш, уларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш бизнинг инсоний бурчимиз эканини, бу ҳаёт ғанимат эканини унутмаслигимиз зарур, десам, барчанинг фикрини ифодалаган бўламан.

Айтиш мумкинки, кишилик тарихидаги энг қонли, энг катта йўқотиш ва мислсиз қурбонларга, эл-юртимиз ўртасида қанча-қанча мусибат ва офатлар, ғам-аламларга, бева-бечоралар ва етимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бешафқат уруш тугаганидан буён орадан қарийб 70 йил ўтмоқда. Лекин юртимизда бирорта хонадон йўқки, бу машъум урушни эсидан, хаёлидан чиқарган бўлса.

Ўйлайманки, бу борада баъзи бир рақамларни такрор ва такрор эсимизга олишимиз, болаларимизга, ёш авлодимизга етказиб туриш учун уларни доимо хотирамизда сақлашимиз даркор, деб таъкидлади Президентимиз.

Агар урушдан олдин мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиондан кўпроғи жангларда қатнашган. Ёки ўша пайтдаги халқимизнинг тахминан учдан бир қисми қўлига қурол олиб, жангу жадалларда иштирок этган, қонини тўккан.

Ўша ёвуз урушда 500 мингга яқин юртдошларимиз ҳалок бўлган, қанча одам бедарак кетган, қанча-қанча инсонлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтган.

Бу рақамлар халқимизнинг фашизм устидан ғалаба қозонишга қандай улкан, ҳеч унутилмас ҳисса қўшганини кўрсатади ва буни бирортамиз ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

*Давоми 2-бетда.*

*Пойтахтимиздаги Хотира майдони, 9 май. Одамлар оқимининг кети узилмайди. Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари ҳаяжон билан майдонга кириб келмоқда. Кимлардир Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўймоқда, кимлардир «Хотира китоби»дан ўз аждодларининг исм-шарифини изламоқда...*

## Хотира чироғи ўчмайди...



**Норбек БЕРДИЕВ:**

— Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидан келдим. 65 ёшдаман. Тиббиёт соҳасида ишлаганман. Ҳозир пенсиядаман.

Ўқувчилик йилларимда Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари билан кўп суҳбатлашардим. Уларнинг уруш ҳақидаги ҳикояларини ҳаяжонланиб тинглардим.

Байрам муносабати билан пойтахтга келдим. Одамларнинг яйраб-яшнаб юрганини кўриб, баҳри-дилинг очилади. Тинчлик нақадар улуғ неъмат эканлигини яна бир бор ҳис этдим.



**Ширин:**

— Ёшим еттида. Бугун Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйиш учун ота-онам, укам билан келдик. Кеча мактабимизда ҳам байрам бўлди. Мен Ватан ҳақидаги қўшиғимни айтдим. Юртимни, ота-онамни жуда ҳам яхши кўраман.

**Зуҳра БОЙҚОБИЛОВА:**



— Асли қашқадарёликман. Икки йилдан бери Олмазор туманидаги хусусий цехда ишлайман.

Момоларимиз бизга уруш йилларида фронт ортидаги қийинчиликларни гапириб беришганида, очиғи қўрқиб кетардик. Очарчилик, етишмовчилик оқибатида қанчалаб одамлар касалланиб вафот этган. Шу сабабли ҳам бугунги тинч-тотув, тўкинсочин кунларнинг қадрига етишимиз керак.

Шўро тузуми даврида ҳам 9 май байрам қилинарди. Аммо расмий, бироз ваҳималироқ ўтарди. Мустақиллик шарофати билан байрам номи ҳам, нишонланиш шакли ҳам ўзгарди. Биз учун чинакам байрамга айланди.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ тайёрлади.**
**Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.**

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИ

## Депутатлар сайлов округларида

*ишлашга тайёргарлик кўрмоқда*



***Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг регламентига асосан, жорий йил май ойининг охирги ҳафтасида депутатлар ўз сайлов округларида фаолият олиб боради. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари ҳар доим сайловчилар билан учрашувларга жиддий тайёргарлик кўради.***

Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича фракциянинг ишчи гуруҳи ташкил этилган. Ишчи гуруҳининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолиятини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган Ҳаракат дастури концепцияси муҳокама этилди.

► *Давоми 2-бетда.*

ҚАДР ВА МЕҲР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан Олмазор туманида «Фахрийларга эҳтиром» мавзусида тадбир ташкил этилди. Тадбир ўтказиладиган бинога кираверишда бир отахон билан суҳбатлашиб қолдик. У Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси Шомил Юсупов экан.

## Юртдошларимизнинг буюк хотираси ва жасорати

*чуқур ҳурмат билан ёдга олинмоқда*

— Бугунги ёруғ кунларни кўриб, тинчлик қанчалик азиз неъмат, буюк бахт эканини доим ўйлайман, — дейди юзларидан нур ёғилиб турган отахон. — Бугунгидек эркин ва озод, тинч ва осойишта кунларни кўриш насиб этгани, юртимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар, одамларимиз юзидаги қувонч менга куч-қувват беради. Фарзандларим, невараларим ва evараларимга бошимиздан ўтган қийинчиликларни айтиб бераман. Ўтган кунларимиздан хулоса чиқаришсин дейманда...

► *Давоми 3-бетда.*

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Ахборотдан эркин фойдаланиш

фуқаролик жамиятининг муҳим шартидир




www.uzbekistonovozi.uz

ГАЗЕТХОН САВОЛИ

***Вояга етмаган уч нафар фарзандим бор. Уларга нафақа неча ёшгача ва қандай ҳолатларда тайинланади?***

**Лола Мирсалимова,**
*Тошкент вилояти.*

МУТАХАССИС ЖАВОБИ

***Ушбу саволга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мониторинги ва таҳлили бошқармаси бош мутахассиси Муқаддам Ҳасанбоева жавоб беради:***

*— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланган.*

*Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки бундай қарорлар қабул қилиш учун фуқаролар йиғини томонидан ваколат берилган Комиссия томонидан қабул қилинади.*

*Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади.*

*Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга тайинланади. Бола парвариши бўйича нафақа эса 12 ойга тайинланади, бироқ унга нафақа тўлаш бола икки ёшга тўлган ойдан кейинги ойга ўтмаслиги керак.*

**Аҳоли орасида учраётган ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш, электорат вакилларига ҳуқуқий маслаҳат беришда ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарининг роли тобора ошиб бормоқда.**

***Олмазор туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти ҳақида газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз.***

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асрашимизни талаб этади

# Тинчлик ва аҳиллик — мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг асосидир

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда***

Бу ҳақда гапирганда, уруш йилларининг оғир қийинчиликларига мардона бардош бериб, фронт ортида меҳнат қилган, уруш туфайли **Ўзбекистонга кўчирилган қанча-қанча одамларга, ота-онасидан айрилган минглаб етимларга бошпана берган, ҳатто охирги нонини ҳам улар билан баҳам кўрган халқимизнинг фидойилиги, бағрикенглиги ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, арзийди. Чунки эл-юртимизнинг маънавий қудрати, унинг одамийлик фазилатлари, меҳр-оқибати, мардлиги ва олижаноблиги айни мана шундай унутилмас воқеаларда, тарихий мисолларда яққол намоён бўлади,** деб таъкидлади Юртбошимиз. Шунинг учун ҳам урушда ҳалок бўлганларнинг, урушдан қайтмаганларнинг номларини азим пойтахтимизнинг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонларида **олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйиб, бундан 16 йил олдин 9 май санасига Хотира ва қадрлаш куни деб ном берганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.**

**Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин узоқни кўзлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган талабларни инобатга олиб, одамийлик, инсонпарварлик фазилатларини улуғлаш, умуман, Ватан учун, элу юрт учун хизмат қилган инсонларнинг номларини сақлаш, инсон хотирасини эъзозлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар, ўйлайманки, ҳеч қачон унутилмайди.**

Президентимиз уруш ҳеч қачон қайтарилмаслиги учун бундай фожиа ва балоларнинг олдини олиш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш зарурлигини таъкидлади.

Афсуски, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кучайиб бораётганини кўрмоқдамиз.

**Айрим жойларда қон тўкилаётгани, низо ва адоватлар авж олаётгани, фашизм деган бало яна бош кўтараётгани, миллатчилик, шовинизм каби хавфли офатлар майдонга чиқаётгани, бир сўз билан айтганда, вазият тобора кескинлашиб, хавф-хатарлар ортиб бораётгани барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.**

Бугунги кунда ҳар бир инсон албатта бундай ғоят хавфли ҳолатларни, шулар қаторида собиқ иттифоқ ҳудудларида пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни кўриб, кеча яқин дўст бўлганлар эртага ўзаро душманга, ўта хатарли вазият юзага келиб қонли урушга айланиб кетмаслигини истайди.

Бундай таҳликали вазиятда бизнинг ёндашувимиз ва қарашларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро ҳуқуқий нормаларда белгилаб, муҳрлаб қўйилган асосий принципларни сўзсиз бажаришдир, зўравонликка, куч ишлатишга йўл қўймасликдир.

Юзага келадиган қарама-қаршиликларни, низоларни фақат сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш лозим, давлатларнинг сиёсий суверенитети ва чегаралари дахлсизлигининг бузилишига йўл қўймаслик зарур.

Бу бизнинг қатъий сиёсатимиздир, деди давлатимиз раҳбари.

Бутун дунё халқларининг эзгу орзуси, хоҳиш-иродаси битта. У ҳам бўлса, уруш ҳеч қачон, ҳеч қандай шаклда қайтарилмасин, деган талабдир. Бундай истак, бундай мақсад жаҳондаги барча халқларнинг манфаатларига тўғри келади. Чунки, ҳеч қайси халқ урушни хоҳламайди. Бизнинг ён қўшнимиз бўлган Афғонистон халқи ҳам, агар ўз ҳолига қўйса, ўзаро келишиб, тинч ҳаёт кечирган бўларди.

Биз қўшни Афғонистонда тинчлик барқарор бўлишини истаймиз. Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни икки томонлама асосда ташкил қилишни маъқул деб биламиз.

Шу фикрлардан келиб чиқиб, яна бир бор таъкидламоқчиман, деди Ислом Каримов, бизнинг халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Кўпни кўрган халқимиз яхши билади, фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳукм сураётган давлатда, жамиятда фаровон ва бахтли ҳаёт қуриш мумкин, энг эзгу орзу-мақсадларга етиш мумкин.

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асрашимизни талаб этади. Фақатгина тинчликни ният қилишимиз, орзу қилишимиз эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусаффо осмон учун албатта курашишимиз даркор.

Менинг ишончим комил: орқамизга қараб, холисона баҳо беришимиз зарур. Биз кечирган ҳаёт осон ўтгани йўқ. Биз олдин ўтмаган катта мактабни ўтдик. Бугунги одамларимиз, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, ҳаётнинг маъносига қараши ён атрофимиздаги вазият ўзгариши билан яққол ўзгариб бораётгани бугун ҳар қадамда намоён бўлмоқда, деб таъкидлади Президентимиз.

Содда қилиб айтганда, бугунги фуқароларимиз, бугунги инсонлар билан 90-йиллардаги одамлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Шу ҳақда гапирганда, биз, аввалambor, ўтган давр мобайнида қандай қийин, қандай оғир бўлмасин, қандай машаққатли синовларни бошимиздан кечиришга тўғри келмасин, ўзимизнинг ориятли, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган халқ эканимизни, ўз тарихимизни, кимнинг авлодлари эканимизни эсимиздан чиқармадик. Ва узоқни кўзлаб олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун ўзимизни аямадик, барча-барча таҳдид ва хавф-хатарлардан эл-юртимизни ҳимоя қилишга доимо тайёр бўлиб турдик.

Айнан шунинг ҳисобидан, ана шундай олижаноб, ўхшаши йўқ халқимиз борлиги учун Ўзбекистонимиз бугунги кунда жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида юксак, барқарор суръатлар билан ўсиб, одамларнинг кундалик турмуши, ҳаёти ҳар томонлама обод ва фаровон бўлиб бормоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз барчани ҳайратда қолдирадиган марраларни қўлга киритмоқдамиз ва эртанги кунга катта ишонч билан яшамоқдамиз.

Айниқса, ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлари, ғайрат-шижоати, билимга интилиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ҳаракатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифатида кўрамиз, деди Ислом Каримов.

Жорий йилга юртимизда Соғлом бола йили, деб ном берганимиз, ҳеч шубҳасиз, айни шу йўлда амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизни янги юксак босқичга кўтариши ва улкан натижалар бериши муқаррар.

Мана шундай ниятларимиз бугун рўёбга чиқаётганига яқинда Қорақалпоғистонга борганда катта бир қурилиш — Сурғил газ-кимё комплексида бўлган суҳбатда гувоҳ бўлдим.

Дунёда камдан-кам учрайдиган қиймати қарийб 4 миллиард долларлик ана шу комплексни қуришга Жанубий Кореядан келган, кўп мамлакатларда бўлган мутахассисларнинг ёшларимиз ҳақида ўз таассуротини яширмасдан, балки ғурурланиб гапирганини айтишни жоиз, деб биламан.

Айниқса, кореялик иш бошқарувчи, яъни менежернинг айтган сўзлари эсимда қолди. У биз дунёнинг кўплаб мамлакатларида мана шундай объектларни барпо этишда қатнашганмиз, деди. Лекин ҳеч қаерда Ўзбекистондагидек ақл-заковатли, зеҳни ўткир, интилувчан ёшларни кўрганимиз йўқ. Ўзбек ёшларининг ҳар қандай мураккаб жараён ва технологияларни тез ўзлаштириб олиши бизда ҳайрат уйғотди, деган гаплари, ўйлайманки, барчамизга мамнуният етказмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ёшларимизни, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи, давомчиси бўлган, тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фарзандларимизни кўриб, уларнинг чеҳрасига боқиб, олдимизда турган барча-барча юксак марраларни эгаллаймиз, эзгу мақсадларимизга эришамиз, ўз муродимизга етамиз, деган ишончимиз янада мустаҳкамланади.

Оллоҳдан тинчлик, осойишталик беришини, ёмон кўзлардан асрашини сўраймиз.

Сўзимнинг ниҳоясида муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барча-барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман, деди Президентимиз.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

**ЎзА**

*Давоми. Боши 1-бетда.*

**ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИ**

# Депутатлар сайлов округларида

## *ишлашга тайёргарлик кўрмоқда*

**Сайлов округидаги фаолияти жараёнида депутатларимиз томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қандай ижро этилаётгани ўрганилади.**



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Йиғилишда фракция аъзолари, ЎзХДП Марказий Кенгаши экспертлари ҳамда масъул ходимлари таъкидладиларки, депутатларнинг ўз сайлов округидаги фаолияти аниқ мақсадларга йўналтирилганлиги нуқтаи назардан такомиллашиб бормоқда. Режалаштирилаётган ушбу учрашувлардан асосий мақсад мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан сайловчиларга ахборот бериш, шунингдек, қонунларнинг жойлардаги ижроси, хўжалик юритиш амалиётининг янги қонунларга ёки амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга эҳтиёжи, сайловчилар манфаатларига дахлдор муаммолар ва уларни ҳал қилишга доир вазифаларни аниқлашдан иборатдир.

◀ *Давоми. Боши 1-бетда.*

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
***ЎзХДП фракцияси раҳбари:***

— Сайлов округларидаги фаолияти давомида депутатлар ўз сайловчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши юзасидан ахборот беради. Бунда хусусан, мустақиллик йилларида давлат ва жамият қурилиши, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш каби масалаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мазмун-моҳиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлади.

Шунингдек, сайловчиларга парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, айни пайтда муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳалари тўғрисида батафсил маълумотлар бериш тарғибот ишларимизнинг муҳим йўналишидир.

Бундан ташқари, биз тайёрлаётган дастур лойиҳасида, сайлов округидаги фаолияти жараёнида депутатларимиз томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, шунингдек, уларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда партия маҳаллий кенгашлари ва халқ депутатлари Кенгашларидаги гуруҳлари иштирокини кенгайтиришга кўмаклашиш юзасидан ҳам аниқ вазифалар назарда тутилмоқда. Депутатларимиз сайлов округларида фақат тарғибот билан чекланмасдан, сайловчиларимизни ташвишлантираётган муаммоларни ўрганиши ва уларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиши зарур.

**Боймурод ЮСУПОВ,**
***ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:***

— Тайёрланаётган дастур лойиҳасида депутатлар томонидан жойларда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг бажарилиши доирасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни танқидий ўрганиб, ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар иштирокида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларида муҳокама этиш ҳамда ушбу йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, фуқаролардан тушган мурожаатлар юзасидан турли масалаларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда жойида ҳал қилиш, бунда хусусан, аҳолини табиий газ, электр энергия ва тоза ичимлик суви билан таъминланганлиги аҳволи, пенсия, нафақалар ва стипендияларнинг ўз вақтида берилиши билан боғлиқ ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратиш белгиланмоқда.

Билдирилган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, йиғилишда жорий йил май ойининг охирги ҳафтасида ЎзХДП фракцияси аъзоларининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳаракат дастурининг асосий йўналишлари аниқлаб олинди. Шунингдек, уни меъёрига етказиш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

Йиғилишда ЎзХДП фракцияси аъзоларининг сайлов округларидаги фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳаракат дастури депутатлар сайлов округларига чиқишидан олдин фракциянинг кенгайтирилган мажлисида кўриб чиқилиши белгиланди. Сайлов округидаги ишларни самарали ташкил этишнинг аҳамияти шундаки, бу жараёнда фракция келгусидаги фаолияти йўналишларини белгилаб, ўз режасига керакли ўзгартишлар киритиб олади.

**Ўз мухбиримиз.**

# Жасорат унутилмайди

*ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.*

— Ўтганларни хотирлаб, замондошларимизга иззат ва икром кўрсатиш эзгу қадриятларимиздан биридир, — деди **«Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси, ЎзХДП аъзоси Сайфулло Аҳмедов.** — Бугун бу анъана тобора ривожланиб бормоқда. Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат кўрсатган, жонини фидо қилган ота-боболаримизни хотирлаш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Зеро, бугунги ёруғ кунлар, тинч ва осойишта ҳаётимиз учун биз улардан миннатдормиз ва бир умр қарздормиз.

— Ўн етти ёшга тўлмасимдан урушга кетиб, қўлимга қурол олдим, — деди **Абдулла Султонов.** — Жанг майдонида икки марта оғир яраландим. Тезроқ уруш тугаса-ю, Ватанимга, уйимга қайтсам дердим...

Бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин. Биз шундай кунларда яшашни орзу қилган эдик. Мана, Яратган насиб этган экан, ўзига шукр. Қани энди ҳозир ёш бўлиб қолсам эди...

***Отахоннинг сўзларини эшитиб, хаёлимдан бир ўй ўтди:***

*Сизлар шундоқ ҳам катта ишларни қилиб қўйгансиз. Энди гал биз ёшларга. Сизнинг дуога қўл очиб, юртимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик сўрашингиз ёшларга беқиёс куч ва ғайрат бағишлайди. Бугунгидек хотира ва қадр кечаларида аждодлар руҳини ёд этиб, сафимиздаги фахрийларга эҳтиром кўрсатиш, ҳурматини жойига қўйиш бизнинг қарзимиз ва фарзимиздир...*

— Фаолиятимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд, кам даромадли қатлами, кексалар, пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилиш устувор аҳамиятга эга, — деди **ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши раиси ўринбосари Доно Маҳмудова.** — Партиямиз ана шундай тадбирлар орқали ҳам ўз электоратини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга интилади. Бугунги тадбиримиз ҳам бевосита ана шу мақсадда ташкил этилган.

— Ҳозирда туманимизда 120 нафардан ортиқ уруш қатнашчиси ва 550 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрий истиқомат қилади, — деди **Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, ЎзХДП аъзоси Муҳайё Саидикромова.** — Бугунги тадбиримизда уларнинг ҳаммаси ҳам иштирок эта олмаяпти. Шу сабаб алоҳида парваришга муҳтож фахрийларимизнинг уйларига бориб, табриклаб келдик. Фарзандлари, набиралари қуршовида кексалик гаштини сураётган нуронийлар юз-кўзидаги шукроналикни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Биз уларни нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар доим ардоқлаб, иззат ва икромда яшашларини таъминлашга бурчлимиз.

**Наргиза ҲУСАНОВА**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН ХАБАРЛАР

**ЎзХДП Қўнғирот туман кенгашида**

***«Ёш сиёсатчи — 2014» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.***

Саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Гулшат Қидирбоева учинчи, Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Зафар Тилеумуратов иккинчи ўринни эгаллади. Саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Атабек Машарипов биринчи ўринга муносиб топилди ва танловнинг Қорақалпоғистон республика босқичига йўлланма олди. Ғолибларга туман партия кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Гулнара КАЛИМБЕТОВА**

**ЎзХДП Каттақўрғон туман кенгаши**

ташаббуси билан «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ, «Ватанпарвар» ташкилоти туман бўлимлари ҳамкорлигида Валижон, Мўминхўжа номли ҳамда «Каттаминг» маҳаллаларида истиқомат қилувчи ёлғиз кексалар, ногиронлар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди.

**Шаҳноза ПАРМАНОВА**

**«Косондон» очиқ акциядорлик жамиятидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти**

***ташаббуси билан бир гуруҳ партия фаолларининг Хоразм вилоятига саёҳати уюштирилди.***

Корхонада айни пайтда 295 киши меҳнат қилаётган бўлса, шундан 154 нафари партиямиз аъзоси, уларнинг аксарияти ёшлардир. Саёҳатдан мақсад ёшларни қадимий ёдгорликлар ва бугун воҳада амалга оширилаётган беқиёс бунёдкорликлар билан таништириш, бу орқали уларда Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашдир.

**Абдураззоқ МУРОДОВ**

**ЎзХДП Мирзо Улуғбек туман кенгашининг**

***пленуми бўлиб ўтди.***

Унда асосий эътибор партия ташкилотлари ва депутатлар имкониятларини партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросига янада самарали йўналтириш масалаларига қаратилди.

Пленумда туманда партиямизнинг 154 бошланғич ташкилоти борлиги, сиёсий-ҳуқуқий тадбирларни кўпроқ уларда ташкил этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

**ЎзХДП Сергели туман кенгаши пленумида**

***партия кенгашининг ўтган йилги фаолияти таҳлил этилиб, жорий йилдаги вазифалар муҳокама этилди.***

— Йилдан-йилга партиямиз хайрихоҳлари кўпайиб бораяпти, — деди **туман партия кенгаши раиси Шоира Хўжаева.** — Масалан, ўтган йили туманда партиямиз аъзолари сони 3445 нафарга етди. Бизнинг асосий вазифамиз ана шу катта кучдан самарали фойдаланишдир. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бевосита партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифалари ижросига хизмат қилади.

**ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши Матбуот хизмати.**

**ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Хоразм вилоят бўлими вакиллари**

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари бўлган бир гуруҳ аёлларнинг хонадонларида бўлишди.

— Биз кўрган даҳшатли кунларни фарзандларимиз кўрмасин, — дейди **Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Любовь Богданова.** — Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин.

Урганч туманида истиқомат қилувчи фронт орти меҳнат фахрийси Олима Раҳмонова ҳам «Илоҳим, юртимизда тинчлик, омонлик бўлсин!», деб қўлларини дуога очди. Урганчлик Валентина Раҳматуллаева, янгиариқлик Ёқутжон Юсупова, хазораспли к Нагиба Зарипова, боғотлик Александра Матёқубова, шовотлик Ҳанифа Қодирова, хивалик Сония Манглиева хонадонларида ҳам самимий суҳбатлар бўлиб ўтди.

**Нодира ОДАМБОЕВА**

# Очиқлик тамойиллари қонун билан мустаҳкамланди

*Бу фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширади*

**ҚОНУН ВА ШАРҲ**

**Мамлакатимиз Конституциясининг 30-моддасида барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгилаб қўйилган. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кириши фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқини таъминлашда яна бир муҳим қадам бўлди.**

Мазкур Қонун жисмоний ҳамда юридик шахслар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ҳеч қандай тўсиқларсиз ахборот олишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади, улар фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқади. Ўз-ўзидан маълумки, бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати ва ижросини таъминлашдаги масъулиятини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайишига ҳамда фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ошишига олиб келади.

**Қонуннинг 4-моддасида** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари белгилаб берилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу модда мазмун-моҳиятида илғор демократик принциплар мужассам бўлиб, уларнинг амал қилиши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур принциплар давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, ундан ОАВ ва фуқаролар кенг фойдаланишини таъминлайди.

**Бу нимада намоён бўлади?**

Биринчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти бўйича ахборот ҳамма учун очиқлиги ва ундан барча фойдаланиши мумкинлиги;

иккинчидан, ахборотнинг қонун бўйича белгиланган муддат ичида берилиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги, ишончлилиги;

учинчидан, жисмоний ва юридик шахслар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш соҳасида эркин эканлиги;

тўртинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг шаъни, қадр-қимматини турли тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган қонуний ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Кўриниб турибдики, юқоридаги меъёрлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг умумэътироф этилган халқаро стандартларига тўла мос келади. Бу эса Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашиб, ривожланиб бораётганидан дарак беради.

Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётганида бизнинг партиямиз фракцияси партия Марказий Кенгаши билан бирга уни жойларда, маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда электорат орасида кенг муҳокама этди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда уни муҳокама этишга бағишланган 30 га яқин тадбир ташкил этилиб, унда **3000 дан ортиқ аҳоли ва электорат вакиллари** қатнашди ҳамда лойиҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди. Марказий Кенгаш экспертлари мазкур таклифларни саралаб, **30 дан ортиқ** асосли таклифни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямизга тақдим этди. Уларнинг бир қисми Қонунда акс эттирилди.

> **Энди фуқаролар ўз манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган ахборотларни ҳеч қандай чеклов, ҳеч қандай қийинчиликсиз олади. Бу эса уларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллигини оширади.**

Агар Қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил этиб хулоса чиқарадиган бўлсак, унда партиямиз электорати манфаатига бевосита боғлиқ масалалар ўз ифодасини топганини англаймиз. Чунки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан тегишли ахборотларни олишда аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами энг кўп қийинчиликларга дуч келар эди. Айниқса, турли идораларга мурожаат қилиб, жавоб кутиб вақтини йўқотарди, вилоят маркази ёки пойтахтга келиб-кетиб ортиқча харажатга тушарди. Энди улар ўз манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган ахборотларни ҳеч қандай чеклов, ҳеч қандай қийинчиликсиз олади. Бу эса уларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллигини оширади.

Шу боис мазкур Қонун ЎзХДП ташкилотлари, депутатлари томонидан қизиқиш билан ўрганилмоқда. Энг аввало, бу Қонуннинг аҳамияти, айниқса, электоратимиз манфаати билан боғлиқ жиҳатларини кенг тарғиб қилишимиз зарур. Уни бошланғич ташкилотлардан тортиб партиямизнинг вилоят кенгашлари даражасигача сиёсий ўқувлар доирасида ўрганишимиз талаб этилади.

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.**

# Юртдошларимизнинг буюк хотираси ва жасорати

*чуқур ҳурмат билан ёдга олинмоқда*



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

***Ёшларимизга бир гапни кўп айтаман. Президентимиз ташаббуси билан 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланиши замирида жуда катта маъно-мазмун бор. Ўтганларни хотирлаш ва ёши улуғ кишиларни қадрлаш халқимизга хос фазилат, миллий қадриятларимиздан ҳисобланади.***

***Отахон билан суҳбатлашиб, тадбирга кириб бордик. Партия фаоллари отахонни ҳурмат ва эҳтиром билан давра тўрига таклиф этишди...***

✧✧✧

Дарҳақиқат, хотира ва қадрлаш халқимиз табиатига хос, онгу шууримизга сингиб кетган, йиллар силсиласида янада улуғлик касб этаётган эзгу фазилатлардандир. Бугунги саодатли кунлар учун жонини бахшида этган юртдошларимизнинг буюк хотираси ва жасоратини чуқур ҳурмат билан ёдга олиш, уруш йиллари куну тун меҳнат қилиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшган, катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуронийларимизни эъзозлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

Мазкур маданий-маърифий тадбирда ҳам ўтганлар хотираси ёдга олинди, пири бадавлат фахрийларимизга, боқувчисини йўқотган кексалар ва меҳрга муҳтож кишиларга моддий ва маънавий кўмак берилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева сўзга чиқиб, қариялар, меҳнат фахрийлари, кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор вазифаларидан ҳисобланиши, бугунги тадбир ҳам шу мақсадда ташкил этилганини таъкидлади.

— Президентимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланиб келинмоқда, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуров.** — Аждодларимизни хотирлаш, нуронийларимизни қадрлашдек эзгу фазилатлар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди ва бу борада қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, пойтахтимизда Хотира майдони, Мотамсаро она ҳайкали бунёд этилди, одамларимиз ўртасида меҳр-мурувват, ўзаро ҳурмат ҳисси янада кучайди. Бу борада биздан нима талаб қилинади? Албатта, ҳаётнинг қадрига етиш, аждодларимиз мерос қилиб қолдирган шу азиз юртни асраб-авайлаш, унинг тинчлиги, равнақи учун курашишимиз керак.

— Партиямиз мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш, мамлакатда фуқароларaро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик, ҳар бир оила ва халқ фаровонлигига эришиш каби умуммиллий қадриятларни ўз мафкураси ҳамда сиёсий фаолиятининг пойдевори, деб билади, — деди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Рўзибек Тўраев.** — Шу боис бугунги нурафшон кунларга етиб келиш осон бўлмагани, бунинг замирида ота-боболаримиз жасорати, фидокорона меҳнати ётганини ёшларга тушунтириш учун уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этилаяпти. Фахрийларимизнинг ҳаёт йўли, жасорати ёшларимиз учун катта тарбия мактаби вазифасини ўтайди.

Тадбир сўнгида нуронийларга партия ташкилотлари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

✧✧✧

*Тадбирдан чиқаётиб, Шомил Юсупов бизга юзланиб шундай деди:*

*— Бундай эътибор қалбимизга ҳаётга муҳаббат, ҳаётдан хурсандчилик каби бетакрор туйғуларни олиб киради ва кўнглимизни тоғдек кўтаради. Меҳнатларимизни юксак қадрлаб, ҳолимиздан хабар олиб турилгани, яратилган шароит ва кўрсатилаётган ғамхўрлик учун ватанимиздан чексиз миннатдормиз...*

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ҚАДР ВА МЕҲР**

**Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тантанали тадбир уюштирилди. Ўзбекистон спорт фахрийлари кенгаши ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирда мамлакатимиз спорти ва санъати тараққиётига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар иштирок этди.**

# Спорт ва маданият фахрийлари эъзозланди

Тадбирнинг очилиш маросимида Республика Маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов сўзга чиқиб, мамлакатимизда маданият ва спортни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, спортчи ва маданият ходимлари меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланаётгани ҳақида тўхталди. Маданият ва спортимиз ривожига катта ҳисса қўшган фахрийларни байрам билан қутлади.

— Бугун Юртбошимиз томонидан биз кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва иззат-икромдан беҳад мамнунмиз, — дейди **Ўзбекистон футбол фахрийлари кенгаши раиси Наримон Жалолов.** — Шукрки, юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, фарзандларимиз соғ-саломат. Уларнинг бахтини кўриб қувонамиз. Мамлакатимизда спорт, жумладан, футболни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлардан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Нафақат пойтахтимизда, балки барча вилоятларда замонавий спорт мажмуалари, стадионлар барпо этилмоқда. Бир-биридан қолишмайдиган болалар футбол мактабларида тарбияланаётган ўсмирларимиз ҳамда ёшларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Бундай шарт-шароитлар ҳатто тушимизга ҳам кирмаган. Шу боис фарзандларимиз билан учрашув ва суҳбатларда мустақиллик берган бу имкониятларнинг қадрига етиш кераклигини уқтиряпмиз.

Сўзга чиққан фахрийлар ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлардан беҳад миннатдор эканликларини билдирдилар.

Байрам тантанасида ташкилотчилар томонидан спорт ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди. Юртимизнинг таниқли санъат усталари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

**Эркин ХОЛБОБО**

# Инсон азиз — хотира муқаддас

***Юнусобод тумани «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Инсон қадри улуғ, хотираси муқаддас» шиори остида хайрия тадбири бўлиб ўтди.***

Унда Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари бўлими, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, нуронийлар иштирок этди.

Юнусобод туман ҳокими Шавкат Азимжонов барча уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини байрам билан табриклаб, уларнинг жасорати ва фидокорона меҳнати туфайли бугунги тинч, осойишта, фаровон ҳаёт таъминланганини алоҳида таъкидлади.

— 1941-45 йилларда урушда бўлганман, — дейди **Фирдавсий номли маҳаллада истиқомат қилувчи 90 ёшли истеъфодаги полковник Шоҳидай Абдуллаев.** — Фронтдан 1-гуруҳ ногирони бўлиб қайтдим. Лекин бекор ўтирмадим. Турли вазифаларда ишладим. Мана шундай жаннатмакон заминда яшаб, дориламон кунларга етиб юрганимизнинг ўзи — катта бахт. Биз ҳар доим давлатимиз эътибори ва ғамхўрлигини ҳис этиб турамиз. Хотира ва қадрлаш куни арафасида ҳар доимгидек Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони чиқди. Бундай иззат-ҳурматдан бошимиз осмонга етди.

— Ҳозирда туманимизда 86 нафардан ортиқ уруш фахрийси, 100 нафардан кўпроқ фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ва ёлғиз кексалар истиқомат қилади, — дейди **«Нуроний» жамғармаси Юнусобод туман бўлими раисининг ўринбосари Туйғуной Ниёзметова.** — Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони доирасида ҳар бир уруш қатнашчисига ижтимоий-моддий ёрдам кўрсатилди. Бугун туманимизда бўлиб ўтаётган мана шундай тадбирлар уруш қатнашчилари ва фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Тадбир якунида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

**Ферузабону НАБИЕВА,**
**ЎзДЖТУ магистранти.**



ЎзА олган сурат.




# Хотирани қайта тиклаш



**реал воқеликка айланади**

АҚШда ғаройиб тажриба устида иш бошланди: олимлар хотирасини йўқотган одамларга уни тиклаш имконини берадиган қурилма яратишга киришдилар. Мазкур лойиҳани мамлакат Мудофаа вазирлиги молиялаштирмоқда.

Бу ишга қарши чиқаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар ахлоқшунослик қоидаларидан келиб чиқиб, хотира билан боғлиқ тажрибани ўтказиш маълум бир наслдаги одамларни вужудга келтиришга уринишларни ҳам юзага чиқариши мумкин демоқдалар. Мазкур ҳолатда (лойиҳа ҳарбийлар томонидан молиялаштирилгач) эса гап ҳиссиз аскарлар пайдо бўлиши устида бормоқда.

Ушбу лойиҳа (у қаттиқ махфийлаштирилган) ҳақида илк бор Техасдаги конференцияда Мудофаа вазирлигининг истиқболли тадқиқотлар лойиҳалари бошқармаси махсус дастури вакили Жастин Санчес гапирганди. У турли ахборотлар: саналар, номлар ва далилларни ўзлаштирадиган, яъни декларатив хотирани тиклай оладиган нейропротез қурилмалари яратилганлигини маълум қилганди.

Тадқиқотчиларнинг баён қилишларича, дастур, аввало, жароҳат боис хотирасини йўқотган ҳарбийларга ёрдам кўрсатишни назарда тутади. Қурилма уларга ўз қариндош-уруғи ва яқинларини эслашга кўмаклашади. Жастин Санчес декларатив хотирани тиклаш мумкинлигини билдирган дунёдаги биринчи олим бўлди.

# Тоза бензин



**ва жиноятчилик**

Сарлавҳани ўқиб, бензин билан жиноятчилик ўртасида қандай боғлиқлик бор экан, деган савол туғилиши табиий.

Дарҳақиқат, боғлиқлик бор экан.

Гап шундаки, британиялик олимлар ўтган асрнинг 70-йилларидан буён қатор мамлакатларда айрим жиноят турларининг камайиб бораётганига эътибор қаратдилар ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, гап автомобиллар учун ёнилғи вазифасини ўтовчи бензинда, аниқроғи, бензин таркибида мавжуд бўлган қўрғошин миқдорида эканини аниқладилар.

Маълумки, қўрғошин элементи инсон организми учун ўта зарарли бўлиб, ички органларга, айниқса, асаб тизими ва мияга салбий таъсир кўрсатади.

Оксфорд университети физиологи, доктор Бернард Геш илмий изланишлари тасдиқлашича, дейилади «Мир новостей» ҳафтаномасида чоп этилган ахборотда, қўрғошин организмга кучли нейротоксик таъсир кўрсатади, яъни миянинг ўйлаш, фикрлаш, режалаштириш қобилияти учун «масъул» бўлган қисмига акс таъсир этади ва натижада киши жиноятчилик томон қадам босишига туртки беради. Олим буни ҳаётий мисоллар билан тасдиқлади: АҚШда ўтган асрнинг 70-йилларидан эътиборан бензин таркиби қўрғошиндан тозалана бошланган. Вақт ўтиб, мамлакатда жиноятчилик даражаси камайгани кузатилган ва буни АҚШлик олимлар ҳам тасдиқлаган. Худди шундай ҳолат Европада ҳам кузатилган. Буюк Британияда эса бензин таркибини қўрғошиндан тозалашга АҚШ ва Канададан анча кейин киришилган. Бу ерда ҳам жиноятчиликнинг айрим турлари камайганлиги айнан шу вазиятдан кейин кузатилган.




MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Ulug‘bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari)
Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.
Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 560
18743 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 19.50
Topshirilgan vaqti — 22.20
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5